



# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2006 йил  
3 май  
ЧОРШАНБА  
№ 35  
(11.838)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

Эркин нарҳда сотилади

## ПРЕЗИДЕНТ ПОКИСТОНГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 2 май куни расмий ташриф билан Покистон Ислам Республикасига жўнаб кетди. Сафар олдин давлатимиз раҳбари Тошкент аэропортида оммавий ахборот воситалари вакилларига интервью берди.

Покистон Жанубий Осиёдаги иқтисодий, сиёсий ва ҳарбий-техникавий салоҳиятга эга йирик мамлакатлардан бири, — деди Ислам Каримов. — У нафақат минтақавий, балки халқаро даражада ҳам юксак нуфузга эга. Покистон жаҳонда тинчлик ва ҳавфсизликни сақлашга қаратилган кўплаб муҳим халқаро масалаларда, жумладан, қўшни Афғонистонда барқарорликни қарор топтириш, унинг иқтисодий ва ижтимоий инфратузилмаси тикланишида фаол иштирок этиб келаётган.

2005 йил март ойида Покистон Ислам Республикаси Президенти Парвез Мушаррафнинг юртимизга ташрифи чоғида, ҳамкорлигимиз ривожига оид кўплаб муҳим келишувларга эришилди, ўзаро муносабатларимиздаги ишонч руҳи яна бир бор мустаҳкамланди. Покистонга бу галги ташриф бу борадаги хайри ишларнинг узвий давомидир. Ўзаро алоқаларни янада кенгайтириш, биргаликда ҳозирги замон таҳдидларини бартараф этиш мамлакатларимиз олдига турган умумий вазифалар сирасига кирди.

Ташриф асносида минтақавий ҳавфсизликни таъминлаш, терроризм ва гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний савдосига қарши курашишда ҳамкорликка оид масалалар муҳокама этилади. Марказий Осиё ҳам, Жа-

нубий Осиё ҳам муҳим геосиёсий аҳамиятга эга минтақалардир.

Музокараларда қўшни Афғонистондаги тиклаш ишларида Ўзбекистон билан Покистоннинг биргаликдаги иштироки юзасидан ҳам келишиб олинди. Бинобарин, Афғонистонда тинчлик қарор топмас экан, минтақادا ҳавфсизликни таъминлаш қийин. Ўзбекистон — Покистон муносабатлари турли соҳаларда изчил ривожланиб бормоқда. Бирок, ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг бугунги аҳоли икки томонини ҳам қониқтирмайди, — деди Ислам Каримов. Покистон раҳбарияти билан учрашувларда шу масалалар ҳам кўриб чиқилади. Бу йўналишдаги алоқаларни янада ривожлантириш томонлар манфаатларига тўла мос келади.

Иқтисодий тараққиётга эришишда транспорт ва коммуникация алоҳида ўрин тутди. Мазкур соҳада ҳамкорликни кенгайтириш эса муҳим вазифалардан. Покистоннинг Карочи ва Қосим денгиз портлари, шунингдек, бунёд этилаётган улкан Гвадар порти орқали биз Ҳинд океанига чиқиш имкониятига эга бўлишимиз мумкин.

Президентимизнинг ушбу расмий ташрифи Ўзбекистон ва Покистон ҳамкорлигини янги bosқичга кўтариши шубҳасиздир.

У.А.

Чигит экишни муваффақиятли яқунлаган вилоятимиз деҳқонлари асосий эътиборни парваришга қаратиб, мўл ҳосил учун пухта замин яратмоқдалар.

Жумладан, Чиноз туманидаги уруччиликка иқтисослашган Алишер Навоий номи ширкат ҳўжалигида жами 285 гектар майдонга пахтанинг «С-6524» нав уруғи экилиб, 100 фоиз униб чиқишга эришилди.

— Ҳўжалигимизнинг пахтачилик тармоғида 6 та бош пудратчи ҳамда 400



Дан зиёд аъзолар самарали меҳнат қилмоқда, — дейди бошқарув раиси Мирзоидил Ақромов. — Оилавий пудратчиларимиздан Ҳалима, Фарид, Маҳфуза Ҳўмановалар эришяётган ютуқларни алоҳида таъкидлаш ўринли. Ҳозир ҳўжалигимизда пахта экилган майдонларда тўлиқ униб чиққан ғўзани яғналаш ва бегона ўтлардан тозалаш жадал давом этмоқда.

Мўмин ИБODOV.

**СУРАТЛАРДА:** (чапдан) бошқарув раиси Мирзоидил Ақромов, энтимолог Муродали Пулатов, пудратчи Ҳўрабек Омонов нихолларни кўздан кечиришмоқда; яғна қилиш пайтида.

Даврон АХМАД олган суратлар.

## ПАРВАРИШ ДАВОМ ЭТМОҚДА



У.А.

Муносабат

## ФУТБОЛ РАВНАҚИ САРИ ДАДИЛ ҚАДАМ

У ёки бу мамлакатни жаҳонга тез танитишда спортга тенг келадиган омил йўқ эканлиги ҳақида бугун ортиқча гапириб ўтиришнинг ҳождати йўқ. Ўзбекистон мустақилликка эришган дастлабки йиллардаёқ спортчиларимиз жаҳон спорт майдонларига дадил чиқиб, ғолиблик шохсупасига кўтарилдилар. Ириқ халқаро турнирларда, ҳатто, олимпиада ўйинларида давлатимиз байроғи кўтарилди, миллий мадҳиямиз янграй бошлади. Хўсусан, эндиликда республикамиз кураш ва бокс мактабларининг доврғи дунёда маълум ва машҳур.

Буларнинг ҳаммаси мустақиллик туғайли мамлакатда спортни кенг омиллаштириш ва ҳар томонлама ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилган шарофатидир. Шу мақсадларда Президентнинг қатор фармонлари ва ҳукумат қарорлари эълон қилиндики, натижада бутун мамлакат бўйлаб янги-янги спорт иншоотлари барпо этилиб, моддий-техник базаси беқисс кенгайтиди. Минглаб ёшлар замонавий ўйингоҳларга, спорт заллари ва теннис майдонларига қатнаб, спортнинг ўзлари ёқтирган турлари бўйича мунтазам шўғуллиниш имкониятига эга бўлдилар.

Ўзбекистон спортининг порлоқ истиқболлини кўзлаб, мамлакатда уч bosқичли спорт ўйинлари — умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг «Умид нихоллари», академик лицей ва касб-хўнар коллежлари ўқувчиларининг «Баркамол авлод» ва олий ўқув юртилари талабаларининг «Универсиада» мусобақаларини ўтказиш анъанаси айланмишганлиги ўз самараларини бера бошлади. Айниқса, болалар спортининг ривожлантиришга қаратилган катта эътибор ва амалий раҳбарлик спортнинг бутун мамлакат бўйлаб жадал омиллашувига мустаҳкам замин яратмоқда.

Бирок, спортнинг энг омилли ва шу билан бирга энг савийли турли бўлган футболнинг мамлакатдаги бу-

хим омилга эътибор қаратилган. Биринчидан, ҳозир фаолият юритаётган футбол клубларини қайта ташкил этиш йўли билан турли мулк шаклидаги профессионал футбол клубларини шакллантириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, асосий стадионлари ФИФА талабларига мувофиқлашган ҳолга келтириш, болалар-ўсмирлар футбол мактабларини профессионал футбол клублари тузилмасига қиритиш вазифаси қўйилган. Иккинчидан, вилоят футбол федерациялари ишини талаб даражасида жонлантириш, футбол бўйича мураббий ва ҳакамлар республика мактаб-бини ташкил этиш зарурлиги таъкидланади.

Маълумки, футболни ҳам ташкилий, ҳам амалий жиҳатдан давр талаби даражасида ривожлантириш учун молиявий-иқтисодий базани мустаҳкамлаш зарур бўлади. Шу сабабли қарорда Ўзбекистон Футболни қўллаш-қувватлаш жамғармасини ташкил этиш назарда тутилган. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида жамғарма-нинг филиаллари фаолият олиб боради. Жамғарма чет эл футбол федерациялари ва клублари билан ҳамкорликни кенг йўлга қўйиб, футболчилар, мураббийлар ва ҳакамларнинг профессионал маҳоратларини ошириш мақсадида ўзаро тажриба алмашиб боради.

Таъкидлаш жоизки, футбол федерацияси ва унинг жойлардаги филиаллари, профессионал футбол клублари учун яна бир қатор қўлайлик ва имтиёзлар берилганки, бу Президент қарорининг тез ва тўлиқ ижроси учун хизмат қилиши шубҳасиз.

**Абдусамад ЙўлДОШЕВ, «Тошкент ҳақиқати» муҳбири.**

## УЮШҚОҚЛИК БИЛАН БОШЛАНДИ

Зангиота тумани Бўзсув қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли «Янги ҳаёт» маҳалласида оқсоқол сайлови бўлиб ўтди. Қонун устуворлиги асосида ўтган бу сайлов натижасига кўра, шу кўнғача фуқаролар йиғинига бошчилик қилиб калаётган Ислам Орифжонов янги муддатга қайта сайланди.

Бу бежиз эмас, албатта. Тиниб-тинчимас раис ўз фаолияти давомида халқ ишончини қозонди. Жумладан, 19-мактаб филиали 34-мактабга тарбия муассасаси, маҳалла идораси, милиция таянч пункти биналари қурилиб, халқ хизматига топширилди. Намунали милиция таянч пункти сифатида республикада биринчи ўринни эгаллаган маҳалланинг ҳуқуқ-тартибот посбонлари «Дамас» автолови билан тақдирланди.

Шу тариқа вилоят фуқаролар йиғинларида сайловлар бошланди. Ҳамма жойларда уларни юқори даражада ўтказиш учун ташкилий ишлар якунига етди. Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқо-

роларнинг ўз хоши-истакларини очиб-ойдин, ошқора ифода этиш имконияти фуқаролар йиғини сайловларининг асосий жиҳатларидан биридир.

— Шаҳар фуқаролар йиғинида 49 та, Нуробод, Қизилтоғ ва Чигирйқ қўрғонлари фуқаролари йиғинларида 3 та, жами 52 та маҳалла бўлиб, сайловга тайёргарлик ишлари талаб даражасида амалга оширилди, — дейди «Маҳалла» жамғармаси Ангрэн шаҳар бўлими раиси Раим Самадов. — Сайловни ўтказишга қўмақлашувчи комиссияси, ишчи гуруҳлар жойларда тушунтириш ишларини олиб

(Давоми 2-бетда).

### Яна тўловлар ҳақида

Бугунги кўнда Оҳангарон электр тармоқлари хизматидан Оҳангарон шаҳри бўйича 8 минг нафар аҳоли, 119 та улғуржи ташкилот, Оҳангарон туманидан эса, 12 минг аҳоли ҳамда 109 та юридик шахс фойдаланади. Шу йилнинг 26 апрель ҳолатига келиб, улғуржи ташкилотларнинг қарзи 668 миллион сўмга етди. Шундан 298

миллион сўми муддати ўтган қарзлардир. Биргина Оҳангарон шаҳридаги ташкилотларнинг умумий қарзи 355 миллион сўмга етиб қолди. Аҳолининг қарзлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан бир оз камайиб, 95 миллион сўмга тушди. Туман аҳолисининг қарзи эса, бундан 10 миллион сўм ортиқдир.

## ТЕЗРОҚ УЙҒОН, ОҲАНГАРОН

— Қарзларни ундириш масаласи бўйича ўрнатилган тартиб-қондалар асосида реестр билан 7 та корхонанинг 43 миллион сўмлик қарзига оид ҳужжатлар судга тақдим этилди. — деди Оҳангарон электр тармоқлари бошлиғи Кўчқор Толипов. — Шундай йўл билан 1 миллион 700 минг сўми ундирилди. 526 истеъмолчи қондаларни бузганлиги учун электр тармоғидан узиб қўйишга

мажбур бўлинди. Қардорлиқни бартараф этиш мақсадида 10 та гуруҳ ташкил этилган бўлиб, унга масъул шахслар бириктирилган. «Халқ банки», «Фаллабанк», «Ипотекабанк», почта-алоқа хизмати, барча ташкилот ва корхоналар билан шартномалар асосида иш юритилмоқда. Афсуски, маҳалла ва қишлоқ фуқаролар йиғинлари билан тузилган шартномаларнинг биронтаси ҳам бажарилма-

япти. Айниқса, Қорахтой, Телов, Сусам, Бирлик, Дўстлик қишлоқ фуқаролар йиғинлари худудларида бу ҳолат яққол кўзга ташланади.

— Бизнинг соҳада учрайдиган муаммолар электр энергияси тизимидан кўп бўлса қўпки, кам эмас, — дейди «Тошвилоятгаз» худудий корхонасининг Оҳангарон филиали директори Дилмурод Фаизиев қўнчақлик билан. — Тўйена-Фаллакудуқ катта магистралда жойлашган газ қувурларининг аҳоли бизнесинг энг оғриқли нуқтаси. Ушбу магистрал қурилишининг сўнгги ишлари 1972 йилда нихосига етказилган бўлиб, айна қўнғача бирор мартаба капитал

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

2006 йил 8 май душанба иш кунини 2006 йил 6 май шанба кунига кўчириш тўғрисида

Хотира ва қадрлаш кўни муносабати билан ҳамда меҳнатқашларнинг дам олиши учун қўлай шарт-шароитлар яратиш ва иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақсадида: 2006 йил 8 май душанба иш кўни 2006 йил 6 май шанба кунига кўчирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ. Тошкент шаҳри, 2006 йил 1 май.

### «Умид нихоллари — 2006»

Ёшларда спортга бўлган ҳавас ва интилишни, жамиятимизда соғлом турмуш тарзи тамойилларини янада кучайтириш, ўқувчи-ёшлар ва талабаларни спорт машғулотларига узлуқсиз жалб этишга қаратилган уч bosқичли «Умид нихоллари», «Баркамол авлод» ва «Универсиада» спорт мусобақалари тизими йил сайин тақомиллашиб бормоқда.

## МАШЎАЛА ЙЎЛГА ЧИҚАДИ

Ушбу мусобақалар орқали бўлажак чемпионлар сараланмоқда, айримлари ўз ҳаёт йўлини спорт билан боғламоқда, жойларда қўрқам спорт мажмуалари қад ростламоқда.

Вилояти-миз учун аҳамиятли томони шундаки, бу уч bosқичли мусобақалар машъаласи бугун Ўзбекистон «Афинаси» дечном олган Паркент туманида жойлашган «Кўёш физикаси» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида аланга олдирилди. Бу гал машъала «Умид нихоллари» нибатдаги манзили — Қашқадарё вилояти томон йўлга чиқади. Бугун соат 9 да бир нуқтага жамланган кўёш нури орқали ёндирилган аланга маҳсус қареткага ўрнатилган машъалага кўчирилади ва ундан олов сақлаш қурилмасига ўтказилади. Кема моделчилиги спорт тури бўйича икки қарра жаҳон чемпиони Шавкат Исмаилов, қаноли байдарха бўйича Осиё чемпиони Диана Мирзараимова ҳамда белбоғли кураш бўйича жаҳон чемпиони Дилмурод Рўзиев машъалани байрамона безатилган майдондан олиб ўтишади ҳамда

эстафетага жалб этилган спортчиларга топширишади. Шу таҳлилда машъала Қарши шаҳри сари йўл олади. Мусобақа машъаласи Фавкуллада вазирлиги, Соғлиқни сақлаш, Ички ишлар вазирлиги, мудофаага қўмақлашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти, йўл ҳара-



кати ҳавфсизлиги бўшқармаси йўл-патруль хизматига қарашли бўлган автомобиллар кортежида ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари кузатишда ҳаракатланади. Оралик масофа 791 километр бўлиб, шундан 28 километри пиёда, 763 километр йўл эса автокортежда босиб ўтилади.

Паркентдаги «Кўёш физикаси» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасида машъалани аланга олдириш маросими ва уни манзилга етказиб бериш жарайни ташкилий қўмитаси ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирокида матбуот анжумани ўтказилди. Журналистлар машъалани аланга олдириш маросими ва уни манзилга етказиб бериш жарайнига тааллуқли бўлган барча саволларга жавоб олишиди.

Отаёр ТОҒАЕВ.

## МАҚСАД КУЧЛИ УЧЛИККА КИРИШ

Нихоят, вилоятимиз мактаб ўқувчиларининг иборат терма жамоамиз Қашқадарё вилоятига жўнаб кетди. Уларнинг олдидан катта доvon, яъни «Умид нихоллари» спорт мусобақаларида муваффақиятли қатнашиб, вилоятимиз шафратини муносиб ҳимоя қилиш турлибди.

Вакилларимизнинг бундай нуфузли мусобақага қандай тайёргарлик кўрганлиги, қайси ўринларга давбоғарлик қила олдилари мумкинлигини аниқлаш мақсадида терма жамоамиз бош мураббийи, «Ешлик» кўнғилли спорт жамияти вилоят кенгаши раисининг ўринбосари Улғўбек Иброҳимовга мувожаат қилдик.

— Мусобақалар олдиндан қандай? — Мусобақалар катта бўладики, қичими, албатта, ҳаяжонсиз ўтмайди. Чунки, иштирокчилар жўнаб кетаётганда фақатгина ўзининг мактаби ёки ўзи яшаётган туман, шаҳрининг эмас, балки бутун вилоятнинг шаънини ўйла-

шади. Менимча, бундай масъулиятнинг юки оғир бўлса керак.

— Вакилларимиз ана шу масъулиятни чуқур хис қилган ҳолда тайёргарлик кўришган бўлишса керак?

— Ҳеч иккиланмасдан тайёргарлик жарайни вақтда спортчиларнинг энг муносибларини танлаб олиш мақсад қилиб қўйилди. Вилоят бўйича жами 150421 нафар 11-синф ўқувчилардан 116957 на-

(Давоми 4-бетда).

Тадбир

**ЧОРВАЧИЛИК РИВОЖ ТОПАДИ**

Мамлакатда чорвачиликни янги асосларда тиклашга киришилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларига чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида моллар наслини яхшилаш, чорвачилик билан шуғулланувчиларга омухта эм ва бошқа озқулар сотиш, малакали зооветеринария хизмати кўрсатиш йўлга қўйилмоқда.

Бу борада вилоятимизнинг бир қатор туманларида дастлабки тажрибалар ҳам юзага келмоқда.

Вилоят ҳокимлиги, қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси, Ўзбекистон тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Либерал-демократик партияси вилоят кенгаши ҳамкорлигида Паркент туманида ана шу қарорларнинг бажарилиши, дастлабки бахтири ишлар билан танишув тадбири ўтказилди. Иштирокчилар «Паркент-2» аҳолига пулли хизмат кўрсатувчи зооветеринария шахобчаси, махсус қушхона фаолияти билан танишдилар. Улар ет махсулотлари савдоси билан шуғулланаётган шахобча ҳам бориб кўришди. Паркент мол борзидида ўтказилган кимови савдосида қатнашилди.

Шу ерда ҳомийлар кам таъминланган оилаларга 20 бош қорамол тарқатишди.

Анжуманнинг расмий қисmini вилоят ҳокими Мирзамашраф Куччири кириш сўзи билан очди. «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика кенгашининг раиси Аъзамжон Гадоёбоев Юртбошимиз қарори асосида амалга оширилаётган ишларнинг аҳамияти ҳақида гапирди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутаты А. Эрданаев тадбиркорлик ва фермерликни ривожлантиришда Либерал-демократик партиясининг ўрни ҳақида фикр юритди.

Анжуман вилоятда «Чорвадорлар иттифоқи» ва чорвачиликни ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш билан аяқланди.

**Тўйчи ДўСТМАТОВ.**

Олмалик шаҳар ҳокимлигида Олий Мажлис Сенати аъзоси, «Олмалик қон-металлургия комбинати» очик ҳиссадорлик жамияти бош директори Қувондиқ Санакулов билан шаҳар фаоллари, маҳалла оқсоқоллари ҳамда таълим мутасаддилари учрашуви бўлиб ўтди.

**СЕНАТОР БИЛАН УЧРАШУВ**

Тадбирда яна бир бор Андижон воқеаларига тўхталиб, она Ўзбекистонимизнинг тинч ва фаровонлигини кўра олмаётган, унинг тараққиётига ҳасад қилаётган, бойликларига, элимизнинг азалий ва абадий меросига кўз олайтираётганлардан ҳаммиша оғох бўлишга чақирилди, асрларга татигулик бунёдкорлик ишлари ҳусусида гапирилди. Шунингдек, ҳукумат қарорлари ҳалқ манфаатларини кўзлаётгани, ишбилармон тадбиркорларга, деҳқон фермер хўжаликларига яратилаётган энгиллигу қўлайликлар шарафлаб ўтилди. Йиғилганлар ўзларини қизиқтирган саволларга сенатордан жавоблар олдилар.

**Ойсара ДАДАЕВА.**

**2006 йил – Ҳомийлар ва шифокорлар йили**

2006 йилнинг Ҳомийлар ва шифокорлар йили деб эълон қилиниши халқимизга хос мурувватпешалик, саховатпешалик фазилатларини янада ёрқин ва кенг қўламда намоён этмоқда. Бу жараёнларда нотижорат, нодавлат ташкилотлар, турли жамғармалар, айнққса, фаол иштирок этаётир.

— Ҳаётимизнинг ўзи бир саноат, — дейди «Соғлом авлод учун» халқро хайрия жамғармаси вилоят бўлими раиси Гулсанам Ваҳобова. — Инсон умри давомида турли вазиятларни бошидан кечиради. Шундай қийин дамларда елкадош, кўмақдош бўлиш, айнққса, болалар, ёлғиз кексалар, муҳтож оилаларнинг огирини энгиллаштиришга кўмаклашиш жамғармамизнинг асосий вазифаси ҳисобланади.

2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили деб номлангани муносабати билан биз ҳам ўз фаолиятимизни шу асосда режалаштириб, вилоят дастурига ўз тақлифларимизни бердик. Вилоят ҳокимининг қарори билан тасдиқланган бу дастур асосида ўтган ойлар мобайнида бир қатор ишларни амалга оширдик. Вилоятимиздаги «Саховат» ва «Мурувват» уйларига бир миллион 59 минг сўмлик дори-дармон олиб бердик.

Соғлиқни сақлаш муассасалари билан ҳамкорликда даволаш лозим бўлган туғма нуқсонли

**МЕҲР-ОҚИБАТ НАМУНАСИ**

болалар аниқланиб, амалий ёрдам кўрсатилди. Икки болани жароҳлик йўли билан даволаш учун Германияга юбордик. Ўндан ортиқ туғма нуқсонли болани ўз тиббиёт муассасаларимизда даволаддик.

Жамғармамиз ходимлари вилоятнинг олис, чекка қишлоқларида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аҳоли барча табақаларининг тиббий маданиятини кўтаришга қаратилган чора-тадбирларда ҳам фаол қатнашмоқдалар.

— Халқимиз қадимқадимдан меҳр-мурувватли, — дейди «Нуроний» жамғармаси вилоят кенгаши раиси Нўмон Намиров. — Ҳомийлар ва шифокорлар йили» вилоят дастурини амалга

ошириш мобайнида бу фазилатимиз яна ҳам ёрқин намоён бўлмоқда. Уруш қатнашчилари, меҳнат фахрийлари, яққа-ёлғиз қариялар ҳар жиҳат-

оилаларни қўллаб-қувватлаш учун маблағлар ажратишаётир. Чунончи, касабая уюшмалари органлари ва ижтимоий сугурта маблағлари ҳисобига 67 пенсионер санаторийларда даволанди. Юқоричирик тумани ва «Олмалик қон-металлургия комбинати» очик ҳиссадорлик жамиятининг «Нуроний» шифохона-дамлиш масканларида юздан ортиқ меҳнат фахрийлари соғломлаштирилди. Шу каби мақсадлар учун турли манбалардан 841 миллион сўм маблағ сарфланди.

Кексалар саломатлигини тиклаш борасидаги саховатпешаликнинг яна бир ёрқин мисоли Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигида қарашли сиҳаттоҳлар фаолияти билан боғлиқ. Шу ўтган ойларда «Товоксой», «Оптиарик», «Косонсой», «Маржон сув» сиҳаттоҳлари вилоятимиздан 550 дан ортиқ пенсионер ва ногиронлар соғломлаштирилди.

Шу тарика, Ҳомийлар ва шифокорлар йили кексаларимиз ҳаётига ҳузур-ҳаловат олиб кирмоқда, уларнинг умрларига умр қўшмоқда.

**Жўра САЪДУЛЛАЕВ,**  
«Тошкент ҳақиқати» муҳбири.

**Жамғарма ҳаётидан**

**ХОТИРА БОҒИДА ҲАШАР**

Хотира ва Қадрлаш кўни арафасида «Олтин мерос» жамғармаси вилоят бўлими ходимлари ва фаоллари «Хотира боғи»да ҳар якшанба кўни ҳашар уюштирмоқдалар.

Мана олти йилдирки, Қибрай тумани Салор шаҳарчасидаги Тошкент Давлат аграр университетининг тахриба участкасида бир гектарлик «Хотира боғи» яратилмоқда. Бу ердаги меваги дарахлар бугун нишона ҳосил бера бошладди.

Ҳашарга турли касб эгалари, кексалар ва ёшлар келишмоқда. Боғнинг атрофи тозаланиб, гул қўчатлари ўтказилмоқда, биродарлик қабри ободонлаштирилмоқда.

**ЭКСПЕДИЦИЯ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ**

«Олтин мерос» жамғармаси вилоят бўлими қошида фаолият юритаётган «Прометей» қидирув экспедицияси яқинда Россия ва Поляшдан янги маълумотлар олди.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида қонқаларларда ҳалок бўлган юртдошларимизнинг янги аниқланган исм-шарифлари яқин вақт ичида телевидение орқали «Меҳр кўзда» кўрсатувида эълон қилиниши кутилмоқда.

**Зарифа ЭШМИРЗАЕВА,**  
Халқаро «Олтин мерос» жамғармаси вилоят бўлими раиси.



**УЮШҚОҚЛИК БИЛАН БОШЛАНДИ**

боришмоқда. Унинг муваффақиятлари, самарали ўтишида фуқаролар йиғинлари раисларининг ҳисоботи тинглаш ва муҳокама қилишнинг таъсири катта. Шунинг учун ҳам улар бу жараёнга пухта тайёргарлик билан боришаётир. Бу борада Гузал маҳалласи раиси Маҳбуба Биманова, Чигирик қўрғони фуқаролар йиғини раиси Ольга Тухветьяваларнинг фаолиятини таъкидлаб ўтишни истардим. Умуман олганда, 52 та маҳалла раисининг 15 нафари аёллар эканлиги ва уларнинг бу шарафли вазифани алоҳида масъулият билан адо этаётганини диққатга сазовор. Ҳар чоршанба кўни «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари, хотин-қизлар кўмитаси, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати худудий бўлимлари вакиллари билан тизилган сайловни ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи комиссия аъзолари маҳаллаларга чиқиб, тайёргарлик ишларини кузатиб, керакли маслаҳатларни бермоқдалар.

хиятига эга, ҳаётӣ тахрибаси етарли, обрў-эътиборли кишиларга ишонч билдириши шубҳасиз. Шунингдек, Қибрай туманидаги Унқўрғон қишлоқ фуқаролар йиғинида ҳам сайловга жиддий тайёргарлик кўрилди.

— Мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим сиёсий жараён — ўзини ўзи бошқариш органлари, қишлоқ фуқаролар йиғинлари раислари, маҳалла фуқаролар сайлови ҳозирги кўннинг долзарб масаласидир, — дейди қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Меҳрибон Тожиёва. — Мен

16 йилдан буён мана шу вазифада ишлаб келиман. Лекин бу йилги сайлов ўзининг савияси жиҳатида, ҳуқуқий-демократик тамойилларга асосланиб, алоҳида қонун асосида олиб борилиши билан ажралиб туради. Ҳар бир маҳаллада кўрсатилаётган номзодлар уч-тўрттадан бўлиб, уларнинг шу худудда муҳим яшашлиги, маълумоти, ёши ва касби эътиборга олинган. Номзодлар орасида ҳозир ишлаб турган оқсоқолларнинг ҳам борлиги уларнинг халқ ишончини қозона олганидан даволат беради. Янги кўрсатилаётган номзодларимиз олий маълумоти кишилар. Қишлоқ фуқаролар йиғини раислиги ҳам 3 та номзод кўйилган. Улардан бири — аёл. Муҳайё Мирраҳимова меҳнат бўлими инспектори. Айтмоқчи бўлганим, маҳалла раислари номзодлари орасида ҳам аёллар кўл.

Меҳрибон Тожиёва масъулиятли раҳбар сифатида кўпгина хайрли ишларга бош бўлди. Лекин ўз номзодини кўймади. «Аmmo ҳисоботи 600 юз билан бера олишимдан мамнунман», — дейди у. Ҳозир фуқаролар йиғинида аҳоли ёрдамида ташкил этилган иккита кутубхона ишлаб турипти. Сўнгги бир йилнинг ўзига учта маҳалла биноси қурилди. Иккита қишлоқ врачлик пункти иш бошлади. Уларга замонавий чет эл жиҳозлари келтирилди.

**Сайёра РИХСИЕВА,**  
«Тошкент ҳақиқати» муҳбири.

Ўз касбига эътибор ва масъулият ҳисси билан ёндошиб, эл хизматиға қамарбаста бўлиб келаятган инсонлар ҳамиша жамият ардоғида бўлганлар. Меҳнат инсонни улуглайди, деб бежиз айтмайдилар.

**КАСБ МАСЪУЛИЯТИ**

Бўстонлик тумани марказий клиникаси ҳамшираси Валия Шокирова кўпчилик хизматида бўлишни ҳам шараф, ҳам саодат деб билади. У қарийб 30 йилдан бери маҳорату тажрибаси билан бир қаторда ширин сўзи, қайноқ меҳри ила беморлар дардига малҳам бўлмоқда.

— Юртбошимиз томони-

дан жорий йилни Ҳомийлар ва шифокорлар йили деб эълон қилиниши касбимизга, шу билан бирга хайрли юмушларга бош қўшувчи саховатпеша инсонларга муносиб эътибор ва рағбат намунаси бўлди, — дейди Валия Шокирова.

**СУРАТДА:** Валия Шокирова қундалик иш чоғида. **Даврон АҲМАД** олган сурат.



**НАВБАТ РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИГА**

«Энг зукко ёш истеъмолчи — 2006» кўрик-танловининг вилоят худудий босқичи ўтказилди.

Танлов вилоят Монополиядан чиқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳамда Истеъмолчилик ҳуқуқларини муҳофаза қилиш худудий бирлашмалари, вилоят халқ таълими, стандартлаштириш ва метрология бошқармалари, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда шаҳар ва туман босқичларидан биричи ва иккинчи ўринларни қўлга киритган ўқувчи-ёшлар иштирок этишди. Дастлаб ўқувчи-ёшлар

шартлар бўйича танишув ва маълум бир саҳна кўриниши ҳамда ижодий топшириқ асосида беллашдилар. Яқиний босқичда эса, қонунчиликни қай даражада билишлари юзасидан тест саволлари жаовб беришди. Танловнинг аввалгиларидан фарқи шундаки, бу гал унда ўта иқтидорли ва билимли ёшлар иштирок этишди. Улар қўйилган талаблар юзасидан фикрларини тушунарли ва аниқ ифода этиб, муаммоларни қонунчиликка асосланиб, аниқ ҳал эта олдилар.

Яқиний натижаларга қўра, биричи ўринга Янгийул туманидаги 34-умумтаълим мактабининг 11-синф ўқувчиси Нуриддин Убайдуллаев лойиқ топилди. У танлов ташкилотчилари томонидан телевизор билан тақдирланди. Иккинчи ўрин Ангрендаги 22-умумтаълим мактабининг 9-синф ўқувчиси Настя Савиновага насиб этди. Унга аудиомагнитофон тақдим этилди. Биричи ва иккинчи ўрин соҳиблари танловнинг республика босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар. **Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ.**

**Касаба кўмиталари фаолиятдан**

«Ўзбекқўмир» очик акциядорлик жамияти бирлашган касаба кўмитаси қончиларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ҳукуматимиз қарорларини ҳаётга тўла татиқ этиб келмоқда.



**ИШЛАБ ТОПИЛГАН МАБЛАҒ ҚАДРИ**

— Касаба ташкилотимиз 10 та қорхона ва ташкилотда меҳнат қилаётган 6500 касабая аъзосини бирлаштириб, турибди, — дейди бирлашган касаба кўмитаси раиси Абдуносир Қайюмов. — 2005-2007 йилларга мўлжалланган жамоа шартномасида амалдаги қонунлар асосида меҳнат аҳли учун турли имтиёзлар ва қафоллар белгиланган. Жамоада меҳнат муносабатларини самарали тартибда солишти, ишчи-хизматчиларнинг манфаатдорлигини оширишда унинг таъсир кучи ортиб бормоқда.

нашчиларига дори-дармон харажатлари учун 454 800 сўм, қонда меҳнат қилган ва кейинчалик сурункали касалликларга қалинган кишиларга 4 415 850 сўм, ходимларнинг 16 ёшга бўлган ногирон болалари соғлигини мустаҳкамлаш учун 84 400 сўм сарф этилиши режалаштирилган. Ходимларнинг дам олиши ва саломатликларини тиклаш учун санаторийларга имтиёзли йўлланмалар берилмоқда. Бу мақсадлар учун 1 108 400 сўм миқдоридая маблағ ажратилган.

Сиҳат-саломатлик йилида маъмурият билан ҳамкорликда уруш фахрийларига, ногиронларга, кам даромадли оилаларга 3 491 000 сўмлик дори-дармонлар ажратилди. 382 ишчи-хизматчиға саломатликларини тиклаш учун 11 208 400 сўм ҳамда моддий ёрдам кўрсатилди. Маданий-оммавий тадбирларни ўтказишга 51 223 100 сўм ажратилди. 9 415 000 сўмга спорт жиҳозлари сотиб олинди ва турли оммавий-спорт муسابакалари ўтказилди.

Шаҳардаги «Сувоқава» қорхонасиға 2 та сув насоси, коммунал фойдаланиш бошқармасиға шаҳар ободонлиги учун чиқинди қутилари олиб берилди. Иккинчи чоракда «Боғи-сури» маҳалласини оқар сув билан таъминлаш мақсадида сув омбори қурилади. Касаба кўмитаси амалга ошираётган барча тадбирлар ишчи-хизматчилар турмушини яхшилашга, уларни маънавий тарбиялашга, ёш авлоднинг барқамол инсонлар қилиб вояға етказишга хизмат қилаётир.

Хомийлар ва шифокорлар йилида бу ишлар яна ҳам кенг қўлам касб этди. Ишчи-хизматчиларға тиббий ёрдам сабаб бўлаётир. Масалаға «қарс икки қўлдан» қабилда ёндашилганида, қарзлар бу қадар кўпайиб кетмаган бўларди. **Хуриша НАЗАРОВА,**  
«Тошкент ҳақиқати» муҳбири.

**ДЕҲҚОНЛАР УЧУН СЕЯЛКА**

Пойтахтимиздаги қишлоқ хўжалиги машиналари учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришга иктисослашган «Агрегат заводи» очик акционерлик жамияти йил бошида янги турдаги универсал сеялаларни тайёрлаб, экиш мавсумида қатор деҳқон ва фермер хўжаликларига синов учун топширган эди.

Тошкент, Жиззах, Фарғона вилоятлари деҳқонлари ушбу янги сеялаларни тахрибадан ўтказиб, уларнинг қўлайлиги ва энг муҳими, тежамкорлигини аниқлашди. Сеялкада чигит навиға қараб аниқ ўлчамда ерга ташлангани боис, уруғ исрофгарчилиги анча камайди.

Бугунги кунда завод жамоеси фермер хўжаликларини учун янги турдаги ер ҳайдаш плугларини тайёрламоқда. Шунингдек, бу ерда халқ хўжалиги учун зарур сув насосларини кенг қўламда ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилаётир.

**У.А.**

**Яна тўловлар ҳақида**

таъмирланмаганлиги сабабли деярли барча қисмлари яроқсиз ҳолга келиб қолган. Айнққса, қувурларнинг 10-15 километр узунлигидаги қисми тўқайда жойлашганлиги катта таъсир туғдирмоқда. Энг аниқлари, бу йилларға техникани кирита олмаёмиз.

— Корхона жами 149 та миждоға хизмат кўрсатиши керак, — деди қорхона раҳбари Бахтиёр Раҳмонов. — Мавсум давомида 150 миллион сўмлик харажат қилинди. Лекин абонемент уйлор сўни эса, 36 таға тушиб қолди. Бунинг асосий сабаби — улардаги қувурларнинг занглаб, муддати ўтиб кетганлиги.

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

дир. Ушбу қувурлар орқали иссиқ сув ўз эгасига етиб бормай, корхонамиз қозонхонасига қайтиб тушаёлти. Кўрсатилмаган хизмат учун ким ҳам ҳақ тўларди? Кувурларни вақтида таъмирлаш ширкатларнинг ҳаёлига ҳам келмаётти.

Мавжуд қарздорликни бартафар

**ТЕЗРОҚ УЙҒОН, ОҲАНГАРОН**

этиш мақсадида 471 та хонадоннинг 29 миллион сўм қарзи юзасидан ҳужжатлар тайёрланиб, солиқ инспекцияси орқали судга тақдим этилди. Бу ҳужжатлар қўриб чиқилиб, 4 миллион 850 минг сўм ундирилди. Саноат ва маиший хизмат кўрсатиш қорхоналаридан 16 тасининг иши ҳам судда қўриб чиқилиб, 174 миллион 777 минг сўмга ажрий чиқарилди. Лекин атиги 5 миллион 605 минг сўми ундирилди, ҳолос.

— «Умид» маҳалласи вакиллари шартномалар бўйича ишлашда анча фаол эканликларини таъкидлаш жоиз, — дейди «Оҳангаронга» филиали бош муҳандиси Қудрат Пулатов. — Ишлатилган газ ҳақини ундириш учун ойлик режа 200 минг

сўм қилиб белгиланган бўлса, маҳалладагилар 600 минг сўм йиғиб олишди. Режани 301 фоизга баяжарганликларини учун 60 минг сўм мукофот пули берилди. «Орзу» маҳалласидагилар ҳам фаоллик кўрсатилди. Белгиланган 231 минг сўмлик режани 496 минг сўм

қилиб бажаришди. Бу билан 50 минг сўмлик мукофот пулини қўлга киритишди. Бугунги кунда Оҳангарон «Сув-оқава» ишлаб чиқариш бошқармасидан шаҳар аҳолисининг қарзи 22 миллион сўмга етган бўлса, шундан 9 миллион сўми тумандаги хонадонлар ҳиссасига тўғри келаётти. Улгуржи ташкилотларининг умумий қарзи эса 260 миллион сўм. Шу сабабдан 38 миллион сўмлик қарзини ундириш учун судга ҳужжатлар тақдим этилди. Лекин шу кунга ҳеч қандай амалий натижаға эришилмади.

Коммунал тўловлар бўйича қарздорлар рўйхатининг бошида турган фуқароларни суҳбатга тортидик. — Бўлар-бўлмас савол бериб

**Мунаввара ИСОҚУЛОВА,**  
«Тошкент ҳақиқати» муҳбири.

«Пилла - 2006»

Бугунги кунда вилоятда ипак куртлари парвариши қандай давом этмоқда? Қайси туманларда яхши натижаларга эришилмоқда. Ипак курти парваришидек нозик жараёнда пиллакорларнингизга қандай амалий ёрдам кўрсатилмоқда?

### САЙЁР ГУРУҲ ЙЎЛГА ЧИҚДИ

Жойлардаги вазиятни ўрганиш ва пиллакорларга мададкор бўлиш мақсадида вилоят хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан мутахассислар иштирокидаги сайёр гуруҳ туманларга чиқмоқда. Тошкент Давлат аграр университети ипакчилик кафедраси ва вилоят «Пилла» акциядорлик бирлашмаси мутахассисларидан иборат гуруҳ аъзолари Бекобод, Янгийул, Чиноз туманларида бўлишиб, парваришланаётган ипак куртлари аҳоли билан танишдилар, зарур ҳолларда пиллакорларга керакли йул-йўриқ ва маслаҳатлар бердилар, муаммоларни ихобий ҳал этишда кўмаклашмоқдалар. Шунингдек, яхши натижаларга эришган пиллакорлар рағбатлантирилмоқда.

3. ЗАБИХИЛЛАЕВА.

Қишлоқ мулкдорлари

### УНУМИ ЧАККИ ЭМАС

Фермер сифатида мустақил иш бошлаганимизга беш йил бўлди. Ўтган давр мобайнида турли қийинчиликларни енгиб ўтиб, илгорлар сафидан ўрин олдик. Ўзимизнинг мустақкам моддий-техник базамизга эга бўлдик.

Хозир 32 гектар ерда деҳқончилик қилмоқдамиз. 16 гектар майдондаги галламиз бошоқлай бошлади. Уни уч марта суғориб, икки марта озиклангирдик. Ўтган йили 55 центнердан дон йиғиб олган бўлсак, бу мавсум 60 центнерлик маррани

қўлаб меҳнат қилаяпмиз. Ҳисоб-китобимиз буйича давлатга 96 тонна дон етказиб берилди, 9 миллион сўм даромад оламиз. Пахта учун ажратилган еримизга «С-6524» навли чигит экиб, бир текис унидриб олдик. 8 гектар майдондаги чигитни

ромеди 600-700 минг сўмдан кам бўлмайдди. Ҳомийлар ва шифо-корлар йилида оладиган 9-10 миллион сўм соф фойдаимизнинг асосий қисмини кам таъминланган оилалар ҳамда қишлоғимиздаги фельдшер-акушерлик пунктга ёрдам беришга, ишчиларимизнинг саломатликлари билан мустақкамлашга сарфлашни ният қилдик.

ромади 600-700 минг сўмдан кам бўлмайдди. Ҳомийлар ва шифо-корлар йилида оладиган 9-10 миллион сўм соф фойдаимизнинг асосий қисмини кам таъминланган оилалар ҳамда қишлоғимиздаги фельдшер-акушерлик пунктга ёрдам беришга, ишчиларимизнинг саломатликлари билан мустақкамлашга сарфлашни ният қилдик.

Илхом ТУРСУНБОВ, Оққўрғон туманидаги «Илхом» фермер хўжалиги раҳбари.

Хотира ва қадрлаш куни олдидан

Катта сержант Заитбек Аҳмедов 1964 йил 15 майда туғилган. Ички ишлар тизимида 1993 йилдан буён, кейинги йилларда эса Қибрай тумани ички ишлар бўлими хузуридаги қўриқлаш бўлими миллиционер Лавозимида хизмат қилган. 2004 йил 30 март куни Қибрай тумани «Қорамурт» соқчилик постидоги портлаш натижасида ҳалок бўлган.

Ҳамма уни камтарин, меҳнаткаш, ўз ишига фидойи, дўстларига садоқатли инсон сифатида қадрларди. Катта сержант Заитбек Аҳмедов Республика Президентининг 2004 йил 26 апрелдаги Фармонида «Қўриқлаш» медали билан тақдирланган.



## ИНСОНПАРВАР, БЕОЗОР ЭДИ

Заитбекининг хотини

Назифа:

— Ўша куни шаҳарда портлаш бўлибди, деб эшитдим. Ўғилларим Руслан, Рустам, қизим Гулзаипага: «Бугун шаҳар нотинч экан, дадангиз кеч келса керак», дедим. Биз у киши кўпинча кеч келишларини, гоҳо бошқаларнинг ўрнига навбатчилик қилишларини билардик. Яна кўнглимга хавотир тушиб, туман, вилоят ИИБларига бориб келдим. Ҳеч нарса билолмадим, ичкарига киролмадим. Уйга келсам, кичик ўғлим хабар келди, дадажоним яраланибди, деди.

Сўнг... Эрта билан чиройли кийиниб, уйдан ўз оёқларин билан юриб чиқиб кетган эрим...

Орзуларимиз кўп эди. Янги ҳовли қурилишини бошлаб қўйган эдилар. Болаларимизни ўқитмоқчи, тўйлар қилмоқчи эдик. Уйинг қуйгур террорчиларга биз нима қилган эдик?! Ҳеч кимнинг кўнглини огритмайдиган, умрида бирова ёмонлик қилмаган эримнинг айби нима эди?

Ўғилларимнинг каттаси 16 ёшга, кичиги 14 ёшга кирди. Ўзларини катталардек тутишга ҳаракат қилишди. Аммо кенжабойим — дадасининг эрка қизи Гулзаипага қийин бўлди. Гоҳо дадасининг қабри устида йиғлаб турган жойида топиб келамиз. У террор деган ризиликни тушунишни ҳам истамайди.

Уйларимиз чала қолди. Тўйларимиз ўтмай қолди. У киши томорқада ишлашни яхши кўрардилар. Гуллар, дарахтлар экардилар. Уй юмушларимга вақтлари бўлса, чин дилдан ёрдам бердилар. Бирор хато қилсак, яхши гап билан тушунтирдилар.

28-ўрта мактаб ўқитувчиси

Мархамат Бойгулова:

— Заитбек синфдошлар...

ри орасида хулқи, илми чанқоқлиги, қувноқлиги билан ажралиб турарди. Аёло ўқирди. Бирон марта ўқитувчиларнинг: «Шу бола одобсиз, дарсига ҳалақит беради!» деганини эслай олмайман. Унинг ҳалок бўлганини эшитиб, жуда ачиндим. Уч норасидаси отасиз қолди. Уларнинг нигоҳларига қараш оғир. Биримиз ота, биримиз она бўлиб, бор илмимизни берармиз-у, бироқ отасининг ўрнини ҳеч ким босолмайди-да.

Ўқитувчи

Салим Зукиров:

— Икки кун аввал қўрган-дим-а. Айримлар милиция формасини кийган кундан-ноқ юриш-туришини ўзгартиради. У эса, ўн йилдан ошдики, ўша-ўшалигича қолди. Каттаю кичик, ёшу қарига бирдай муомалада, биронинг дилига озор беришни гуноҳ санарди.

Жону дили футбол эди. Футбол тўғрисида мунтазам қатнашарди. Эҳтимом, дала, мол-ҳол ишлари бўлмаганида ажойиб футболчи бўлар-миди...

Заитбекининг жасоратини эшитиб, унга берган таълим-тарбиямиз зое кетмагани, Ватанимга фидойи, жасур йигит бўлиб воёга етганидан фахрланган бўлсак, вафотини эшитиб, қайғуда қолдик.

Ўткир маҳалла кўмитаси раиси

Вазира Норматова:

— Заитбек камтар, меҳрибон эди. Қайнопаси вафот этиб, ундан бир қиз қолди. У киши томорқада ишлашни яхши кўрардилар. Гуллар, дарахтлар экардилар. Уй юмушларимга вақтлари бўлса, чин дилдан ёрдам бердилар. Бирор хато қилсак, яхши гап билан тушунтирдилар.

28-ўрта мактаб ўқитувчиси

Мархамат Бойгулова:

— Заитбек синфдошлар...

Тенгдошлари

М. Турсунбоев,

А. Юсуфбеков,

М. Кенжаева,

И. Мусаева:

— Гина-қудурати билмас эди. Биронинг устидан шикоят қилганини эслай олмай-мик. Заитбек билан бирга ўқиб, бирга воёга етдик. Чумолига ҳам озор бермай-дан одамнинг энди орамизда йўқлигига ишонши қийин.

Қирқ ёшганини нишонлайман, ҳамма синфдошларни қақираман. Баҳонада бир йилиги бўлиб ўтиришамиз, деганди.

Заитбекининг отаси

Мирзабек Аҳмедов:

— Ўғлимнинг ўлими қалбимни ларзага солди. Гарчи ана тўрт ўғлим, уч қизим дардларимни биргалашиб кўтаришса-да, айрилиққа чидаш қийин бўлаяпти. Ўғлимнинг битмаган уйи мунгайиб қолди. Фарзандлари Рустам, Руслан, Гулзина йиғлаб қолишди. Келиним Назифа бечорига қийин бўлди.

Ўғлим бекорга қон тўкмади, юртимни ҳимоя қиламан, деб қурбон бўлди. Заитбек ва унинг дўстлари террорчиларни тўхтатиб қолишмаганида, ана қанчадан-қанча беғуноҳ инсонларнинг қони тўкиларди.

Ўғлим ориятли, ўктам, гурурли эди. Ички ишлар тизимида ўн етти йил ҳалол меҳнат қилди. Менинڭ юзминига ерга қаратмади. Онаси берган оқ сунни оқлади. Биз ўғлимиздан розимиз.

Заитбек Аҳмедов ўқиган мактаб бугун унинг номи билан аталади. Ўқувчиларнинг ҳаётини меҳр ва ихлос билан ўрганишди. Саёҳатга чиққанда, йўлга отланганда Заитбекининг номини қўшиб, «Саф қўлиғини» айтишди.

Юртни севмак гоямиз, Матонатдир доямиз, Ватан-суянч қоямиз, Олга, сафдошлар, олга, Хосият БОБОМУРОВА.

## ЁШЛАР — ҚИШЛОҚ ФАХРИ

Зангиота туманидаги Хонобод қишлоғида ёшлар учун янги ўқув маркази очилди.

— У «Машҳура» фирмасининг филиали сифатида ташкил этилди, — дейди қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Раҳимжон Исмоилов. — «Ан-нур-Мавлуда» ўқув марказида ёшлар тикиш-бичиш, қандалоқчилик, сартарошлик, инглиз тили курси ҳамда компьютер тўғрисидаги билим олишади. Яқинда бевосита қишлоқ фуқаролар йиғини ташаббуси билан 50 нафар хонободлик ёшлар иш билан таъминланди.

— Бу, албатта, 23 минг аҳоли учун катта кўрсаткич эмас, — дейди қишлоқ фуқаролар йиғини раисининг маданий-маърифий масалалар бўйича маслаҳатчиси Дилдора Умарова. — Бироқ, пойтахт туманларининг ақиллиги тўғрисида қишлоқнинг ақсариёт ёшлари шаҳарга қатнаб ишлайдилар. Қишлоқ ёшларининг



ҳаётда ўз ўринларини топишларида кўмаклашишга қаратилган тадбирлар самараси ўлароқ ёшлар ўртасида ишсизлик муаммоси оқилона ҳал этиб борилмоқда.

**СУРАТЛАРДА:** қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Раҳимжон Исмоилов фалолар билан; ўқув марказининг умумий кўриниши. **Даврон АХМАД** олган суратлар.

Вилоят йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси ҳамда «Ўзбекистон темир йўллари» акциядорлик компанияси вилоят бўлими ташаббуси билан шу йилнинг 1 майдан «Диққат! Темир йўл кесиммаси» тадбири бошланди.

### ДИҚҚАТ, ТЕМИР ЙЎЛ!

Уни уюштиришдан мақсад темир йўл билан боғлиқ бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш, бундай кесиммалардан ўтатиш қоидаларини ҳайдовчи ва йўловчиларга яна бир бор эслатишдир. Ана шу мақсадда корхона ва ташкилотларда тарғибот тадбирлари уюштирилмоқда, ўқув муассасаларида махсус семинарлар ташкил этилмоқда.


Ушбу табир 30 майга қадар давом этади. **Равшан НЕЪМАТОВ.**

## КИМ ЭПЧИЛУ ЧАҚҚОН?

Олмалик шаҳрида вилоят ички ишлар бошқармаси ёнги хавфсизлиги хизмати шахсий таркибининг жанговар тайёргарлик бўйича анъанавий спорт мусобақалари бўлиб ўтди.

терма жамоалари энг маҳоратли эканликларини намойиш этишди. Мусобақа якунига кўра, ҳарбийлашган ёнги хавфсизлиги қисмлари терма жамоаларидан Янгийул, Бекобод ва Ангрэн шаҳар жамоалари, касбийлашган ёнги хавфсизлиги қисмлари терма жамоаларидан эса, Янгийул, Бўстонлик туманлари ва Янгиобод

Унда вилоят шаҳар ва туманларидан 19 та терма жамоа қатнашиб, 4 босқич бўйича куч синашдилар. Ўқув минорасининг тўртинчи қаватини ишғол этишда биринчи ўрин Бекобод, иккинчи ўрин Янгийул, учинчи ўрин Ангрэн шаҳар терма жамоаларига насиб этди. Ушбу тур бўйича шахсий биринчиликка эса, Бекободдан Б. Умаралиев, Ангрэндан О. Норматов ва Бекобод шаҳридан О. Хўжаев совринли ўринларни эгалладилар.



Уч погонали нарвонда бинонинг учинчи қаватига кўтарилиш машқларида биринчи ўринни Янгийул, иккинчи ўринни Бекобод, иккинчи ўрин Янгийул, учинчи ўрин Ангрэн шаҳар терма жамоаларига насиб этди. Ушбу тур бўйича шахсий биринчиликка эса, Бекободдан Б. Умаралиев, Ангрэндан О. Норматов ва Бекобод шаҳридан О. Хўжаев совринли ўринларни эгалладилар.

Уч погонали нарвонда бинонинг учинчи қаватига кўтарилиш машқларида биринчи ўринни Янгийул, иккинчи ўрин Бекобод, иккинчи ўрин Янгийул, учинчи ўрин Ангрэн шаҳар терма жамоаларига насиб этди.



Уч погонали нарвонда бинонинг учинчи қаватига кўтарилиш машқларида биринчи ўринни Янгийул, иккинчи ўрин Бекобод, иккинчи ўрин Янгийул, учинчи ўрин Ангрэн шаҳар терма жамоаларига насиб этди.

### АВЛОД САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

«Соғлом авлод учун» хайрия жамғармаси вилоят бўлими Бекобод туманидаги 15 нафар кам таъминланган ва етим болаларнинг ҳар бирига 70 минг сўмлик кийим-бош ва дори-дармон тарқатди.

Шунингдек, жамғарманинг кўчма амбуланс гуруҳи туманининг энг чеқка худудларида бўлиб, 452 аёл ва болаларни тиббий қўриқдан ўтказди. Қасаллик аниқланганлар зарур дорилар билан таъминланди, хасталиги жиддий бўлганларга даволашни учун тавсиялар берилди.

**Даврон АХМАД.**

**Tarixiy xotirasi bor bo'lgan inson irodali inson. Takror aytaman, irodali insondir. Kim bo'lishidan qat'iy nazar, jamiyatning har bir a'zosi o'z o'tmishini yaxshi bilsa, bunday odamlarni yo'ldan urish, har xil aqidalarni ta'siriga olish mumkin emas. Tarix sabaqlari insonni hushyorlikka o'rgatadi, irodasini mustahkamlaydi.**

**Isлом KARIMOV.**

### HURLIK YO'LI

Ayo do'st, bu dunyo azal demishlar, Xotira uyg'onsa go'zal demishlar.

Xotira uyg'onsa dardlar ham daryo, Sabrlar, to'zimlar berarkan sado.

Xotira uyg'onsa o'zni taniysan, Ham oppoq, ham qaro yuzni taniysan.

Ko'zingga ko'rinar sonsiz qabrlar, Joningni og'ritar zulm, jabrlar.

Yolg'onning, riyoning boshlari xamdir, Haqiqat hayqimsa, hamon ko'rkamdir.

Xotira uyg'onsa hayrat uyg'onar, Suvratlar jim turar, siyrat uyg'onar.

Uyg'onar jismu jon, uyg'onar imon, Nechun uyg'onmaysan, axir sen inson?!

Boshingga qandayin to'fonlar kelmish, Qayg'udan, qahrdan ummonlar kelmish.

Tarix to'kar dema ko'hna dardlarin, Tarix sog'inarkan asil martdalarin.

Biz yaxshilik yarashgan xalqimiz, Maydonda or talashgan xalqimiz.

G'anim qunvar qilsang xatolar, O'yab topsa ichki nizolar.

O'shda uvol ketganlar bilmas, O'zgarda qonl yutganlar bilmas.

**(Davomi. Boshi o'tgan sonda.)**

### Jaholatga qarshi ma'rifat bilan

Mahmud TOIR, O'zbekiston xalq shoiri.

## OGOHI BO'L, DUNYO

(Doston)

Kecha yaralmagan bu ko'hna dunyo, Ertatugamaydi olamda hayot. Insonga qalb ato etganda Xudo, Ne oldin yuz ochgan, quvonch yo' faryod?

Haq qachon yaratgan Odam Atoni, Bu savol yillarga sig'maydi hamon. Odam ato qilgan bitta xatoni Ming bir xil usulda takrorlar inson.

Baxt bermas aslida Olloh odamga, Baxtli yashash uchun bergaydir imkon. Kelibsan, xush kelding yorug' olamga Baxtli yasholdingim, aytgin, ey inson?!

Umr-ku, bandaga o'lchab berilgan, Xoyu havasini bo'lurmi o'lchab. Qani u jismiga sig'may kerilgan, Qayga etib bordi tulporin qistab?!

Kimga ozor berdi, kimni asradi, O'tida qoldimi bir parcha bog'?!? Yoki talvasada ruhi, jasadi Qabrida qorayib yotammi dog'!?

Oilang osmondan so'nmasmi nuring, Otangga, onangga bo'ldingmi, fido? Farzanding qalbidan o'chmasmi qo'ring, Ayt, eiling o'tingdan qilgaymi duo?

Orzu arimaydi tirik odamda, Vale har savolga topilmas javob. Yashash o'zi baxt-ku yorug' olamda, Izingda qolsa gar tashakkur, savob.

Namanganda nizo chiqargan, Farg'onada qazo chiqargan.

G'addor dushman o'yinlari ko'p, Parkentda ham ko'zga soldi cho'p. Ammo Xudo yaxshiga yordir, Martdarlarga o'zi hamkordir.

Aytilgan so'z — otilgan o'qdir. Shu o'qlardan ozorda dunyo. Kimlar uchun ozorda mahzun, Kimlar uchun bozorda dunyo.

Aytilgan so'z — otilgan o'qdir. Gap otgani qalam tutmadim. Yuragimda lovullar bir cho'g', So'z sotgani qalam tutmadim.

Bu dunyoning tosh ekan boshi, Lek qartaygan qayg'u dastidan. O'lmay turib gohi bandasi, Joy olarkan do'zah ostidan.

Bu dostonning so'zlari g'amli, Anduhida elning ori bor. Uvol ketgan ne-ne jonlarin, Yaratganga qilgan zori bor.

Har insonning boshida osmon, Har insonning poiyida er bor.

Aytilgan so'z — otilgan o'qdir, Mehring mehrob, jonimda cho'g' dir. Sendek suyuq suyanchim yo'qdir, Otingdan aylanay, elim-ov!

Sen qo'lasang qoqilmas hech kim, Asil sendek oqilmas hech kim, Topgan gapim, aytarim shulkim, Zotingdan aylanay, elim-ov.

Ko'zgu sinsa ko'zlar kulmagan, Yot tuproqda izlar kulmagan, Ginada ham tilingdan tomgan, Totingdan aylanay, elim-ov!

Sen tuproqqa tilmoq bo'lgan el, Ona Erga oqsoq bo'lgan el, Kuyinchagim, quyosh bo'lgan el, Yodingdan aylanay, elim-ov!

O'zgalarning rizqini olib, Kim yashabdi olamda takror.

Kimdir bugun beshik egasi, Ertatugamaydi olamda tobut. Quvonch qirg'yil yashamas axir, Boshing egar lahzalik sukut.

Hur va baxtli yashashga asli, Haq oldida haqli har banda. Yaxshi kunga yarashmas lekin, Qiziltmayin chalgan chirmanda.

Uyg'oq odam uvol ketmagay, G'affat uning barin tutmagay, Yovuzlikni e mudog yashar, Mudragan murodga etmagay.

Ogohlarga orom yo'g' chindan, Ogohlarga yordir Ollohim. Ogohlikka chorlab dunyoni, Oq qog'o'zga to'kildi ohim.

Yashayotgan odam uchun, Jon bir taraf, shon bir taraf. Adolatni tug'in har kun, Temur kabi tutmoq sharaf!

Gohi dunyo, gohi dard berib, Olloh o'zi ko'rgay sinab. El-yurt uchun ko'ksin kerib, Kubro kabi ketmoq sharaf!

Bu dunyoda ikki eshik, Hech kim qo'lmas abad yashab. Manguberi kabi manguy, Vatan uchun o'lmog sharaf!

Bu Vataning ayoli ham, Orlik talab, hurlik talab. Jon chirog in yurt yo'lda, To' marisdek yoqmoq sharaf.

**(Davomi bor.)**

### ДИҚҚАТ, КИМОШДИ САВДОСИ!

№	Т/р	Автотранспорт воситасининг русуми	Автотранспорт воситасининг бошланғич нархи	Кимошди савдоси ўтказиладиган жой	Кимошди савдоси ўтказиладиган вақт	Автотранспорт воситасининг техник ҳолати
1		«МАЗ-5549» русумли, давлат рақами 11 AS 963	420 000 сўм	Судлар департаменти Тошкент вилояти ҳудудий бўлими, Тошкент шаҳри, У. Носир кўчаси, 93-уй, 3-қават	15.05.2006 йил, соат 10.00 да	Носоз ҳолда
2		«ЗИЛ-138 А» русумли, давлат рақами 11 AS 115	216 000 сўм	Судлар департаменти Тошкент вилояти ҳудудий бўлими, Тошкент шаҳри, У. Носир кўчаси, 93-уй, 3-қават	15.05.2006 йил, соат 10.00 да	Носоз ҳолда
3		«ЗИЛ ММЗ-4505» русумли, давлат рақами 11 AX 157	240 000 сўм	Судлар департаменти Тошкент вилояти ҳудудий бўлими, Тошкент шаҳри, У. Носир кўчаси, 93-уй, 3-қават	15.05.2006 йил, соат 10.00 да	Носоз ҳолда

Кимошди савдосида катнашувчи юридик ва jisмоний шахслар автотранспорт воситаларининг бошланғич нархининг 10 фоизи миқдоридоги тўловни Бука тумани суд ижрочилари бўлиминининг АТ «Пахтабад»нинг Бука тумани бўлими, МФО 00463, ИНН 200435742, 20203000504112059016-сонли депозит ҳисоб рақамига тўлашлари шарт. Ариза ва ҳужжатларни қабул қилиш кимошди савдоси ўтказилишидан 3 кун олдин тўхтатилади. **Мурожаат учун манзил:** Бука тумани, М. Махмудова кўчаси, 1-уй. **Телефон:** (8-257) 35-742.



«Умид ниҳоллари — 2006»

## МАҚСАД КУЧЛИ УЧЛИККА КИРИШ

фари мактаб босқичида фаол иштирок этиши кузатилади. Қишки таътил кунлари ўтказилган шайхлар туман босқичларида эса 21495 нафар ўқувчи ёшлар ўртасидаги мусобақалар ҳақидаги спорт байрамига айланиб кетди. Вакилларимизнинг ўқувмаш йигинлари учун ҳар қачон ҳам мухтакам моддий-техник база яратилди. Олмалик шаҳрининг ўзида волейбол (қизлар) ҳамда қўл тўпи (ўсмирлар ва қизлар) бўйича машғулотлар ўтказилди. Баскетбол (қизлар), миллий кураш бўйича тайёргарлик йиғинлари Га Бекбоб шаҳри мезбонлик қилди. Қолган турлар бўйича спортчилар учун ҳам белгиланган ҳудудларда шароитлар яратилди.

— **Жамоа таркибидаги қайси спортчиларга кўпроқ умид боғлаб-сан?**

— Жамоага барча спорт турлари бўйича энг кучли спортчилар танлаб олишга ҳаракат қилинди. Шундай бўлсада, улар орасидан айрим номдорларини тил-

га олиш мумкин. Спортнинг стол тенниси ва энгил атлетика каби турлари бўйича иштирок этувчи вакилларимиз орасида республика чемпиони голиб ва совриндорлари бор. Юкочирчилик Евгений Цой стол тенниси бўйича Ўзбекистоннинг биринчи ракеткиси ҳисобланади. Бундан ташқари, шахмат бўйича малакали мураббий Бахтиёр Холмированинг қўли остидаги ўғил-қизлардан ҳам умидимиз катта. Умуман барча спорт турларида чемпионликка даъвогарлар бор. Насиб этса, уларнинг саъй-ҳаракати, интилиши билан умумжамоа ҳисобида кучли уликдан ўрин эгаллашни кўзлагимиз.

— **Қайси ҳудудлардан спортчилар кўпроқ жалб этиляпти?**

— Жамоага бирон-бир шаҳар ёки тумандан спортчиларни кўпроқ қиратишга ўша ердаги спортга бўлган эътибор билан боғлиқ. Бу масалада Олмалик, Чирчиқ ҳамда Ангрэн шаҳарлари ўқувчилари фаоллик кўрсатишди. Истардикки, қолган шаҳар ва туман мутасаддилари ушбу соҳага жид-

дийроқ муносабатда бўлсалар. Чунки, озгина эътибор туфайли бир қишлоқ боласининг республика бўйича энг юқори ўринларни қўлга киритиб, ёруғ юз билан қайтиши, ўша туман, ўша шаҳарнинг обрўси эмасми?

— **Кўпроқ қайси жамоаларни бизга муносиб рақиб деярлик?**

— Жамоаларнинг унисибизга муносиб, буни ҳисобдан ташқари ҳам бўлади, дея олдидан катта гапириш яхши эмас. Чунки, бундай нуфузли мусобақага фақат кучлиларнинг кучли келади. Шунинг учун барча вилоят жамоаларини бирдек рақиб сифатида кўриб, шунга яраша муносабатда бўлиш керак. Шундай бўлсада, ҳар йилги мусобақаларда ўзининг кучли спортчилари, техника ва тактик тайёргарликлари билан ажралиб турадиган жамоалар мавжуд. Улар сафига Тошкент шаҳри, Фарғона, Андижон ҳамда Наманган вилоятларини киритишимиз мумкин.

— **«Тошкент ҳақиқати» мухбири Отабек ЭЛТОЕВ сўхбатлашди.**

«Автоолам маликаси — 2006»

Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси ҳамда Ички ишлар вазирлиги кўмагида «Автоолам маликаси — 2006» спорт мусобақалари бўлиб ўтди.

## АЁЛЛАР ЎРТАСИДА ИЛК БОР

Танловда вилоятимиз вакиллари, Бадий гимнастика федерацияси вилоят бўлими раиси Нафиса Турғунова муваффақиятли иштирок этиб, фахрли 3-ўринни эгаллади.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда илк бора ўтказилган «Автоолам маликаси — 2006» мусобақалари иштирокчилар учун ҳам, томошабинлар учун ҳам ўзига хос спорт байрамига айланди. Аёллар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида ташкил этилган мусобақада 33 нафар ҳаваскор ҳайдовчи иштирок этди. Улар анча мурракка бўлган бир неча шартларни моҳирона баъдиладилар. Жумладан, йўл ҳаракати қондаларига оид ҳамда бахтсиз ҳодиса содир бўлганда жабрланган-

ларга биринчи ёрдам кўрсатиш борасидаги билмлари ҳам назарий, ҳам амалий тарзда синовдан ўтказилди. Шунингдек, машинани белгиланган йўналишлар бўйича шакли бошқариш, қисқа муддатда автомобилларга бирламчи техник хизмат кўрсатиш ҳамда автобулнинг каби шартлар бўйича беллашулар кескин ва мurosасиз тус олди.

Ўқувчи натижаларга кўра тошкентлик шифокор Зулфия Мақсудова «Автоолам маликаси» номига лойиқ топилди, бош соврин — «Матиз» автомобили билан тақдирланди.

Таниқли эстрада хонандаси Дилфуза Исмоилова «Энг фаол иштирокчи», республика «Бунёдкор аёл» маркази раҳбари Лазиза Акбарова



«Энг малакали иштирокчи» номинациялари бўйича тақдирландилар. Умуман, мусобақанинг ҳар бир иштирокчиси хомийлар совғалари топширилди.

— Республикаимизда илк бора ўтказилаётган бундай мусобақада вилоятимиз шаҳарини химоя қилганлигимен учун фахрлидир, — дейди мусобақа совриндори Нафиса Турғунова. — Мусобақалардаги иштироким давомида автомобиль бошқаришда маҳорат ва билмларимни янада ошириш би-

лан бирга кўплаб янги дўстлар ҳам орттирдим. Кези келганда, шундай спорт байрамида муваффақиятли иштирок этишимиз учун яқиндан кўмак берган вилоят ҳокимлиги, хотин-қизлар кўмитаси, вилоят давлат автомобил нazorати бошқармасига самимий миннатдорчилигимни билдирмаман.

**Зулхумор ЖҲУРАЕВА.**  
СУРАТДА: мусобақа голибалари.

**Даврон АХМАД**  
олган сурат.

## ТОШКЕНТ — ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИ МЕЗБОНИ

Пойтахтимиздаги «Ўзбекистон» спорт мажмуида кикбоксинг бўйича ўтган навабдаги жаҳон чемпионатида дунёнинг эллика яқин давлатидан келган минг нафардан ортқ спортчи иштирок этди.

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Кикбоксинг федерацияси кўмагида ўтказилди.

Унинг очилишида мам-

лакатимиз кикбоксингчилари халқорой майдонларда ҳам ўз маҳоратини намойиш этиб, совринли ўринларни қўлга киритиб келаётгани таъкидланди.

Бу галги мусобақалар-

да 12-14, 15-17 ва 18-35 ёшлилар икки кун мобайнида голиблик учун куч сынашди. Улар орасида жаҳон, китаъ чемпионатлари голиб ва совриндорларининг борлиги мусобақа нуфузини янада оширди.

Мусобақа якунига кўра, ўзбекистонлик спортчилар умумжамоа ҳисобида би-

ринчи ўринни қўлга киритди. Бу галабага Дилшод Содиков, Жаҳонгир Кўчмуродов, Бахтиёр Усмонов, Адхам Мирзаев, Раҳмат Алимбеков каби тажрибали спортчиларимиз муносиб улш қўшилилар.

Иккинчи ўрин эронлик кикбоксингчиларга насиб қилди. Қозғигонинг терма жамоаси вакиллари эса учинчи ўринни эгаллади.

**Қ. ҚАРШИЕВ,**  
ЎЗА мухбири.

## КИМ ШОИРНИ ЯХШИ БИЛАДИ?

Халқимизнинг сеvimли шоири, бетақроор истеъдод эгаси Муҳаммад Юсуф таваллудининг 52 йиллиги муносабати билан Оққўрғон туманидаги 34-умумтаълим мактабида хотира кечаси ўтказилди.

Кеча давомида 8-синф ўқувчиларидан ташкил топган «Бинафаша» ҳамда «Нилуфар» жамоалари ўртасида ижодий баҳс бўлиб ўтди. Ўқувчилар шоирнинг ҳаёти, ижоди ҳамда асарларини қай даражада пухта билдиларини намоийиш этишди. Бадий саҳна кўринишлари, мушоира шартлари йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди.

Яқуний натижада ҳар икки жамоа тенг балл тўплаганлиги маълум қилиниб, улар муносиб тақдирландилар.

**Феруза ТҲУРАЕВА.**

## ТУРК РАССОМИ КЎРГАЗМАСИ

Тошкентдаги тасвирий санъат галереясида туркиялик рассом Хале Арпажоғлунинг «Сир дарвозалари» номли кўргазмаси очилди.

Ушбу кўргазма галерея мамыурияти ҳамда Туркия элчихонаси ҳамкорлигида ташкил этилди.

Хале Арпажоғлу Истамбулда турилган. 1981 йилдан бери нафақат Туркияда, балки Европа давлатларида ҳам кўплаб галереяларда ўз кўргазмаларини ўтказган.

Кўргазма 19 майга қадар давом этади.

«Туркистон-пресс».

**Мени шайдо қилдурган бу кўнгиладур, бу кўнгиладур, Хору расво қилдурган бу кўнгиладур, бу кўнгиладур.**

**Лутфий.**

... У вақтлар эндигина биринчи синфга қатнаш бошлагандим. Болалигимда ақлим етмаган кўп нарсаларни вақт ўтган сайин чуқурроқ хис қилаётиман. Уйимизда отамнинг кичик синглиси Моҳиносо отам тўғрисида кўп гап бўларди. Ойим доим «у сенга амма бўлади» деб уришарди, мен амма десаам, гўё Моҳиносо отамдан узоқлашиб кетаётгандек «опа-лашини кўймамсан». Мен уни жуда яхши кўрадим, у ҳам мени ўзи билан олиб юришни ёқтирар, бола кўнгилим нимани тусаса, бирпасда муҳайё қиларди.

Бизнинг уй қишлоқнинг бир четида, опамларники эса марказда — мактабнинг ёнгинасида эди. Мактабга ўтганда ҳам, қайтганда ҳам уларникига кириб ўтардим. Чунки, опамларнинг ҳовлисидаги икки туп ғуж-ғуж ҳосил қиладиган беҳи меvasининг ярмини мен еб тугатардим, десаам лоф бўлмайдди. Почкам — Маҳкам акам шофёр бўлиб, сира мени зериктирмас, машинасида ҳар жойларга сайрга олиб борарди.

Ҳали айтганимдек, опам ҳақидаги сўхбатни қўлингача ойм бошларди: — Учрашмаган мулла-эшони, кўрсатмаган табибу бахтисини қолмади, кийин бўлди Моҳиносога, умри бекор ўтпти, саккиз йил — айтишга осон, — дедди-да, кейин мени энди кўраётгандек уришарди. — Бор, бор, уйинингки ўйна, катталарнинг гапига кўнглик солишни сенга ким кўйибди! Мен нари кетсам-да, барибир сеvimли опам ҳақидаги сўхбатни яшириқча эшитардим.

— Палон жойда янги бахши чиқибди, — ойм хамон сўзида давом этарди, — бир бориб учрашса бўлармиди? Жуда илми ўткир дейишпти. Бир-икки дардида даво истаб борганлар шифо топиб, бахтлари очилиб кетибди. Моҳиносонини ҳам азиз авлиелар пешонасини силаб, қўллаб юборишса ажаб эмас. Неча-неча авлиел мазорларида ис чиқардик: «Оқозорбува»-да расм-русумини қилиб, хўроз сўйдик, «Пощо пирим» зиёратига қўй сўйиб, қон чиқардик... Зора буниси...

Бундай кезларда отам узоқ сукутга ҳўмар, кўзлари атрофини, пешоналарини ажин қолларди. Отамнинг гапчилишидан оймнинг гаплари шунчалик ёмонмикан, деб ўйлардим. Бюла бўлсам-да, гап Моҳиносо опамнинг ойм айтгандек «тирноқча зор бўлиб ўтаётгани» ва унинг фарзанд кўришани ўзидек барча қариндош-уруғимиз истаётганини тўшунарди. Барибир бола эдим-да. Уша кунийк эшитганларимни опамга оқизмай-тозиммай етказдим. Янги бахши ёрдам берар, дебман. Опам гапларидан роса йиғлади. Тўшдан кейин далага ҳам бормади. Мен катта айтиб қилганини билиб, уларникидан кетиб қолдим. Кечга томон борсам, опам хамон йиғлаб ётарди...

Бир куну опам бизникига йиғлаб келиб қолди. Кейин йилишимча, Маҳкам акам бир ўтиришда кимдандир

фарзандсизлиги ҳақида гап эшитиб, аламидан опам билан айтишиб қолибди. Шу сабабдан бўлдимки ёки ҳаммасини олдидан мўлжаллаб юришган эканми, шу кунийк уйимизга қариндошларимиз, тўғрироғи, отамнинг уруғлари йиғилишиб, узоқ сўхбатлашди.

— Гўлдек умрингни хазон қилиб ўтиравасанми бировнинг эшигида-да? — деб гап бошлади катта акам. — Маслаҳатимиз шундан чиқмас. — Бахтларингни бошқа-бошқа синаб кўринлар. Сизларнинг йўллари-гизни нималардири боғлаб қўйган... Бахшлар ҳам шундай деярли, — кекса момом оймшюқ қилиб гапирди. — Уруш-жанжалсиз, келишиб, яхшиликча ажрашасизлар.

қўшни қишлоқка узатиб юборишди. Энди у қишлоғимизга кам келар, шунда ҳам сира кўчага чиқмас, кетаётганда эса у ёққа оёғи тортаётгани билиниб турар, баъзан оёғини кўзёш ҳам қилиб оларди. Опамнинг ҳозирги эрини ҳамма ёмон дерди: ойм хам, бошқа қариндошларимиз ҳам. Аммо унинг ўзи сира-ям ошқора зорланмасди. Бир гал опамга эргашдим. Сўқмоқ оралаб бораяпдим. Уларнинг қишлоғига уч чақиримча, йўлимизнинг икки томони ўсиқ жўҳоризор. Бир вақт рўпарадаги жўҳоризор шитирлаб кимдир қўрибди.

## КўНГИЛ

(Ҳикоя)

Опам «Ўлганим яхши эди бу кунларимдан» деди секин йиғи аралаш. — Ноумид шайтон. Худойимнинг марҳамати беҳиёб, — уни овулди кўнгли бўш кичик аммаам, ўзи ҳам кўзёш қилганча. — Э, Парвардигор, мехрингни дариг тўтмай шу бечорага ҳам кўп қатори «ол, қўлим» деб битта фарзанд ато қилсан бўлмай-дими?!

Хуллас, опам бизникига кўчиб келди. Бизники уларнинг ота ҳовлиси эди. Опам негадир жуда кўп йиғлар, аммо, буну ҳеч кимга сездирибди. Шундай пайтларда олдига бориб қолсам, у мени кўриб йиғидан тўхтар, менга ҳар хил эртқлар айтиб берар. «Шундай қилиб, улар муроди-мақсадларига етибди» деган сўзларини айтаётганда кўзлари яна намланди.

Энди опамнинг эски уйларига оймнинг «Емон бўлади, у ёққа кирмагин» деганига амал қилиб кирмасдим. Лекин баъзан Маҳкам акам кўяра-кўймай, уйларига олиб қирар ва мен яхши кўрадиган беҳилар билан сумкамни тўлатган: — Опангни аховли қалай? — деб сўрарди. — Ҳеч кимга билдирмай, йиғлагани йиғлаган, — дердим ростини сўзлаб.

— Мендан салом айтгин, — Маҳкам акам гапнинг бўлиб қолди. — Яна кирибсанда, неча марта айтганман сенга! — беҳиларни кўриб уришарди ойм. — Ҳадеб бировнинг қиса қиравершини уят бўлади.

— Маҳкам акам биров эмас, — йиғлагудек бўлиб қарши гапирардим.

Опам бу гапларни эшитиб, маъжусланарди. Елғиз қолганимизда Маҳкам акамнинг саломини айттардим. У фақат шу гапларимдангина хурсанд бўлар ва «Яна сўраса мендан ҳам салом дегин» дерди биров кўнгли ёришиб.

Опамнинг бизникига келганига бир ойдан ошганида тўй бўлди. Уни

Бу гаплардан ҳеч нарса англамадим. Опам фарзанд қўрди. Қариндош-уруғларимиз ўзида йўқ хурсанд эдилар. Ҳаммаси «кароматини дариг тутмаган» Худого шўқ қилишарди. Опам хам бир қадар хурсанд кўринар, аммо унинг шодлиги ўзи учун эмас, гўё қариндошларимизнинг кўнгли учун зўрма-зўракидек туюларди менга.

Шу воқеадан бир хафта ўтган, Маҳкам акам машинасида аварияга учради. Қишлоғимизда бу хабар тарқалганда опам бироз бурун турмушдан бизникига келиб турган пайт эди. У чақоғолини оймга ташлади-ю, касалхона томон югурди. Мен унга эргашдим. Палатага кирганимизда устига оқ чойшаб тортган Маҳкам акам очиб турган бошини у ёқ-бу ёққа ташлаганича:

— Моҳиносо, Моҳиносо... — деб алаҳсирадди. — Мана, мен келдим, кўзингизни очинг, — деди опам йиғлаганча. — Моҳи... келдингми, Моҳи? — деди Маҳкам акам кўзларини очиб. Сўнгра мажолсиз кўзларига опамнинг кўлларини олиб, рангсиз юзларига суртиди. — Мен ваъдамини бажара олмадим. У ёққа кетолмайдиган бўлдиқ.

— Кетамиз, сиз албатта, тузала-сиз. Тузалишингиз билан... — опам Маҳкам акамнинг кўлларини, юзларини силанганча тинмай гапирарди. — Шунча бўлқолди, Моҳи... Эшит-дим, ўғил қўрибсан. Мен... Меннинг аховлим... Кетолмаймиз чоғи, Моҳи? Мендан рози бўлгин... — Маҳкам акам йиғлаб юзларди. Эр кишининг йиғиси хунук бўларкан.

— Кетамиз, албатта, кетамиз, — деди опам йиғлаб. Маҳкам акам бошқа гапиролмади. Шифокорлар опамни олиб чиқиб кета бошладилар. Мен опамнинг қўлидан ушлаб олганим. Палатанинг очиб эшигида ранги қув ўчган янги почкам бизга совуқ тиқилиб турарди.

— Номаҳрам, — деб бақирди у опамга. — Уз жавобинг ўзинг билан. Акангарникидан қайтиб келма. Опам бир сўз демай ўтиб кетди. У мени етаклаганича, унсиз йиғлаб борар ва ҳар замонда «у атайин қилган барини» деганча пичирлар, мен унга қўшилиб йиғлардим. Уша куну кечқурун Маҳкам акамнинг жони ўзиди. Опам уввос солганча, боқ-қўзини юлиб йиғлади. Боласига қарамай қўйди. Эрталаб опамни оғилдан топишди. У ўзини осиб қўйганди.

Уларнинг қадрларини ёнма-ён кўйишди. Биринчи марта йиғлаб қадритонга бордим. Мен ҳамма гапни бошқалардан яхши билардим. Қадрлар опам айтган эртқаддаги Тохиру Зўроларникидек эди. Гўё... Кимларди тирликнигида уларнинг йўллари-га Қорабтир бўлгандек...

Ҳар сафар қишлоққа борганимда ўзимдан саккиз ёш кичик бир йиғит билан сўхбатлашаман. У — Маҳкам, опамнинг ёлғиз фарзанди. «Иси Миҳкам бўлсин» дегани опам ўша куну касалхонадан келаятганимизда. Бу васият эканлигини билмагандим. Кейин ҳаммасини отамга айтганман.

**Адхам ДАМИН.**

«Об-ҳаво» Гидрометеорология

Бош бошқармасининг хабар беришича, 3 май куну Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, баъзи жойларда қиска муддатли ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлиши мумкин. Фарбдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Момақалдироқ пайтида шамолнинг тезлиги қўнайиб, секундида 15-20 метрга етади. Кечаси 8-13, кундузи 20-25 даража иссиқ бўлади.

Грузия мудооаа ва-зири Иракли Окруаши-ли 2007 йилни Жанубий Осетия пойтахтида кутиб олиш ниятидан қайтгани йўқ.

«Агар сўзимнинг устидан чиқмасам, мудооаа фазири лавозимдан кетаман», — деди Окруашивили «Имеди» телекомпанияси орқали душанба оқшомида намоийиш этилган сўхбат чоғида. Осетия муаммосини вазир АҚШ кўмагида бартараф этмоқчи.

## Хўрматли тадбиркорлар, хорижий инвесторлар ва фўққаролар!

Тошкент вилоят адлия бошқармаси телефон рақамлари ўзгарганлиги сабабли кўйидаги ишонч телефонларини сизларга маълум қиларди.

1. Тадбиркорлар ҳуқуқини химоя қилиш бўлими — 362-30-02, 363-50-96.
2. Хорижий инвестициялар ва хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни ҳуқуқий химоя қилиш бўлими — 363-50-98.
3. Шартномавий-ҳуқуқий ишларни назорат қилиш бўлими — 363-51-06.
4. Инсон ҳуқуқларини химоя қилиш бўлими — 362-82-61.
5. Юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш бўлими — 362-61-25.
6. Жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотларни рўйхатдан ўтказиш бўлими — 362-62-85.
7. Нотариат, ФҲДҲ ва адвокатура бўлими — 363-51-03, 362-84-30.
8. Қабулхона — 363-51-04, 362-84-00.

Шунингдек, ҳодимлар заҳира таркиби яратилганлиги сабабли олий юридик маълумотга эга бўлган фўққаролардан аризалар қабул қилинмоқда.  
Кадрлар бўлими — 363-51-05.  
Мурожаат қилин!

Миробот туманидаги «BYRAN-TEMP» МЧЖ (ОКПО 20348716)

ТУГАТИЛАДИ.  
Давволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида 389-24-59 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Бухоро Давлат табибий институту томонидан 1997 йилда Ҳамроев Голиб Ражабович номига берилган 149026 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент темир йўл коллежи (олигини темир йўл техникуми) томонидан 1978 йилда Исаев Фаридин Пармонович номига берилган 970951 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Утеранный гос. ордер № 04-01/3617 от 07.01.1993 г., на право собственности на квартиру Каргина Александра Алексеевича, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

<b>ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ</b> ТОШКЕНТСКАЯ ПРАВДА Муассис: <b>ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ</b>	Бош мухаррир <b>Убайдулла АБДУШОҲИДОВ</b>	<b>Телефонлар:</b> Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: <b>133-40-48.</b> Эълонлар: <b>133-58-85, 136-53-54.</b>	<b>Манзилимиз:</b> <b>700000,</b> <b>Тошкент шаҳри,</b> <b>Матбуотчилар кўчаси, 32.</b>	Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот ва ахборот бошқармасида <b>03-001</b> рақами билан рўйхатга олинган. Газета «Тошкент ҳақиқати» тахририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.	• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.
Хафтаннинг чорshanба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-740. Адади 5847.		Ҳажми — 2 табоқ, офсет усулида босилди, қозғоз бичими А-2.		Саҳифаловчи: Умид УБАЙДУЛЛО.	
© Белгили материаллар — реклама материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмохонасида босилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи — 205. Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 20.30. 2 3 4 5 6					